



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 105 (8595).

1 июнь, 1985 йил

ШАНБА

Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII съезди шарафига—27 зарбдор ўн кунлик!

САМАРАЛИ ВА СИФАТЛИ ИШЛАШ— ҲАММАНИНГ БУРЧИ

МЎЛЖАЛДАГИ БЎЛМОҚДА

ТОШКЕНТ. Қаршибой Ботиров бригадаси деҳқонлари ўтган йили ҳар гектардан 33 центнердан ҳосил олдилар, бироқ план бажарилмади. Улар ўтган йилги донни ювиш учун эрта кўздан бошлабқўриқиб, ерни тайёрлашга, ўнгитга тўйдиринишга эътиборни қўйишди. Қўзда шудорлаб қўйилган майдонларга барвақт чигит экиб олдилар.

Ҳозир гўзаларнинг ривожини кўриш хурсанд қилади. Ҳар гектардан 35 центнердан ҳосил олишга аҳд қилган пахтакорлар парвариниш ишларини кундан-кунга қўчатиришмоқдалар. Худойберди Еров, Қамбар Ботиров, Деҳқон Расулов сингари механизаторлар култивация ўққазган майдонлардаги гўзалар кун сайин яншимоқда.

Дала ишларини сифатли бакар, пайкалларни бегона ўтлардан тозалашга Халида Махтасева, Ҳафиза Мухоморова, Назира Сафарова сингари қолхозчилар бошқаларга ўрнак кўрсатишди.

Ишларимиз мўлжалдагидек бормоқда,— дейди бригадир Қаршибой ана.— Биз гўзаларни озинлантириш ва шарафат усулидан фойдаланишга алоҳида эътибор берамиз.

Ш. ШОМАТОВА.

АВЖИ ЯХШИ

ДАЛАЛАРНИ кўздан кечирган кишининг кўзи қуянади. Гўза ниҳоллари бир текис. Кун сайин яншимоқда. Бу қаргалар Янгийўл районидagi Ленин номида қолхознинг Абдунаби Аҳмедов бошлиқ бригадасига қарашли. 56 гектар ернинг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил топиришга аҳд қилган деҳқонлар гўза парваринишга аҳд қилган бир тадбирини ўз вақтида, маромда амалга ошириш учун курашмоқдалар.

ЯНГИЧА усулнинг афзаллиги ҳозирдан кўзга ташланиб қолди. Ҳамма ишга барвақт келмоқда. Ҳар ким ўнгитга топиришган ишни сифатли бакариниш учун ҳаракат қилмоқда. Интизом, тартиб мустаҳкамланмоқда.

Биз,— дейди бригадир Сулаймон Расулов,— бригада нудратини қўлаб, албатта, қўзланган мақсадга эришамиз. Совхоз маъмурияти билан тузилган шартномада ҳар икки томоннинг манфаатлари қатъий ҳисобга олиниган. Матмурият ҳам, биз ҳам бу шартномаларнинг бекам-қўст бакариниш учун масъулмиз.

Бўна районидаги «Қўқорол» совхозини пахтазорлари қир-адирларга жойлашган. Ўтган йили деҳқонлар ҳар гектардан 21,4 центнердан ҳосил олдилар. Беш йилликнинг якуновчи йилида улар

ва сингари қолхозчилар ҳар кун 0,25-0,30 гектар майдондаги гўзаларни бегона ўтлардан тозалашмоқдалар. Ўртақчи Болтабоев, Илхом Олимбоев сингари механизаторлар эса 6-7 гектар майдондаги гўзаларни култивация қилмоқдалар. Бир йўла минерал ўғит билан озинлантиришди.

Қолхоз пахтакорлари 3400 тонналик «оқ олтун» хирмонини бунёд этиш учун ана шундай фидокорлик билан меҳнат қилишди.

А. РИХСИБОВЕ.



МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ

Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг барча қорхоналарида КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган социалистик мусобақа меҳнат ютуқларининг янада салмоқли бўлишини таъминлашди.

Яқинда Сари-Чек қониди май ойининг иккинчи куниди яқун асасди. Кон ишчи-хизматчилари икки ўн кунлик топиришнинг барча кўрсаткичлари бўйича муваффақиятли бакардилар. Қон ашё таёйрлаш 101 процент, тулроқ қазинишлари 101 процент адо этилди.

Айниқса Геннадий Дивак бошчилигидаги смена бурғувчилари яқин натижага эришдилар. Улар май ойида 1846 погон метр хандқ қазиб, топириш 131 процент қилиб адо этишга муваффақ бўлишди.

Алексей Полуккин бошчилигидаги экскаваторчилар бригадаси икки ўн кунлик планини 138 процент, Алексей Мешков бригадаси 124, Николай Кривоусченко бошчилигидаги коллектив эса 119 процентдан бакарди, мусобақа ғолиби бўлишди.

М. МИРАЛИМОВ.

ВАҚТДАН ЎЗИБ

«Чарвақасстрой» бунёдкорлари ўн биринчи беш йилликнинг якуновчи йилида қурилиш-монтаж ишлари давлат планини барвақт урдаш учун социалистик мусобақани кун сайин авж олдиришмоқдалар. Коллективда меҳнат кўтаринчилиги низоғда авж олган бир вазиятда республикамизда халқ хўжалиги бир гуруҳ илгорларининг «КПСС XXVII съезди шарафига—27 зарбдор ўн кунлик» шiori остида бошланган ташаббуслари буюқкорлар куч-тайратини янада ошириб юборди.

Бошқарманинг барча ишчи-хизматчилари бу ватанпарварлик ҳаракатига бир овоздан қўшилди. Унда иштирок этаётган Ф. Хамидов, В. Азов, Н. Романенколар бошчилигидаги бригадалар азозлари юксак меҳнат кўрсаткичларига эришмоқдалар. Улар ҳар кун топириш 130—150 процентдан бакарди, қурилиш суръатининг ошишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

А. Абалин фотолари.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БҲУРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида 1986—1990 йилларда РСФСР Ноқоратупроқ зонаси қишлоқ хўжалигини ҳамда агросаноат комплексининг бошқа тармақларини янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Мажлисда қайд этиб ўтилганидек, партия ва ҳукуматнинг қарорларига мувофиқ бу зонада қишлоқ хўжалигининг ва у билан боғлиқ тармақларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш, совхоз хўжалиқлари ва қолхозчиларнинг турмушини яхшилаш бора-сида талабига ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга Россия Ноқоратупроқ зонасининг потенциал имкониятларидан тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ, катта-катта моддий-техника ресурслари ва бу ерда вуқудга келтирилган ишлаб чиқариш фондлари ҳали тегишли самара бермапти. Баъзи областларда ва Автоном республикаларда қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари етиштириш ва хариб қилиш, капитал қурилиш, тулроқ унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган топиришлар тўлиқ бакарилмапти.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарориди ўн иккинчи беш йилликда Ноқоратупроқ зонада қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришини янада интенсификация қилиш, қишлоқ хўжалиқ эканозорларидан оқилона фойдаланиш, ерларни, ме-лиорациялаш, комплекс механизациялаш, химиялаш, «фан ютуқлари ва илгорлар тақрибисини жорий этиш, шунингдек меҳнат ва бошқарини ташкил этишни тақомиллаштириш асосида қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришини анча ўстиришни таъминлаш вазифаси қўйилди. Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш ҳамда кадрларни қолхоз ва совхозларда мустаҳкам жойлаштириш тадбирларига алоҳида эътибор берилди. Ўй-қоғларини ва маданий-маиший объектларни, автоном қурилиш, қишлоқ аҳоли пунктларини телефонлаштириш, сув ва газ билан таъминлаш илдам ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини медицина, савдо ва маиший хизматни яхшилаш кўзда тутилмоқда.

Сиёсий бюро РСФСР Ноқоратупроқ зонаси қиёбасини тобора ўзгартириш ва уни юксак даражада ривожлантириш қишлоқ хўжалиқ районига айлантириш юғт муҳим умумдавлат вазифаси эканлигини таъкидлади. Тегишли министрликлар ва

идораларга, маҳаллий партия ва совет органларига улар ишидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш, Ноқоратупроқ зонанинг қишлоқ хўжалигини ва бутун агросаноат комплексини ривожлантириш суръатларини изчил жадаллаштириб боришни таъминлаш топиришди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1986—1995 йилларда мамлакат радио-эшиттиришининг эшиттирувчи воситаларини ривожлантириш тадбирлари тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Қарорда радиоэшиттириш объектларини қуриш ҳамда янгилашнинг, янги ускуна ва приборларни ишлаб чиқиб, жорий этишнинг кенг программаси кўзда тутилмоқда. Бу эса шаҳар ва қишлоқ аҳолисини радио-эшиттириш билан тўлиқроқ қамраб олишни таъминлаш, стереофоник овозли радио-эшиттириш воситаларини ривожлантириш, барча шаҳарлар, район марказлари ва посёлкаларда уч программали эшиттириш системасини яратини асосан таъминлаш, бу системани қишлоқ жойларда актив жорий этиш имконини беради.

Сиёсий бюро Москва метрополитенини янада ривожлантириш тўғрисида СССР Министрлар Совети тақдим этган тақлифларини қўриб чиқиб, маълумлади. Бу тақлифлар пойтахт аҳолисини транспорт хизматини изчиллик билан тақомиллаштиришга, ўн иккинчи беш йилликда метрополитенининг Москвадаги катта-катта турар-қўй районларини шаҳарнинг саноат зоналари ва марказлари билан боғловчи янги линиялари қурилишини ҳамда улар фойдаланишга топиришларини таъминлашга, шунингдек метрополитенининг ишлаб турган линияларини реконструкция қилишга қаратилган.

Марказий Комитет Сиёсий бюроси ўртоқ М. С. Горбачевнинг Германия социал-демократик партиясининг раиси, социалистик интернационал раиси В. Бранд билан ўтказган суҳбатни якуновчи муҳокама қилди. Бўлиб ўтган суҳбат ҳозирги вазитнинг космоини ҳарбийлаштиришга йўл қўйиб бўлмаслиқ тўғрисидаги масала, СССР билан АҚШ ўртасида Женевада ўтказилган музокараларда косиник ва ядровий қуролларга оид проблемаларни бир-бири билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш принциплари ривож этиб, реал силжишга эришиш зарурлиги каби принципиал проблемалари юзасидан КПСС ҳамда ГСДПнинг позициялари бир-бирига мос эканлигини кўрсатди. Европада ишончли хавфсизлини таъминлаш, кескинлини юмшатишга қайтиш ва шу

қитъа мамлакатлари, жумладан СССР билан ГФР ўртасида нормал яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш хусусида иккала партиянинг позициялари бир-бирига яқин экни ўхшашди. Ҳар иккала партия тинчликни мустаҳкамлаш, бошқа мамлакатларнинг ишларига таъсирларидан ҳар қандай аралашувга барҳам берилишини, халқларнинг мустақиллиқига ва мустақил ривожланиши йўлига бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилишни талаб этади, деб ҳисоблади. Сиёсий бюро шунин қайд этиб ўтдики, халқаро вазит кескинлашган ва халқаро тус олган, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашдан астойдил манфаатдор бўлган барча қучларнинг баҳамжиҳат ҳаракатини кенгайтириш ва активлаштириш зарур бўлган ҳозирги пайтда КПССнинг социалистик интернационал билан, социал-демократик ва социалистик партиялар, жумладан ГСДП билан алоқаларини давом эттириш ва ривожлантириш халқлар ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлигини чуқурлаштириш учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сиёсий бюро Совет Иттифоқига вазит билан келган Италия Министрлар Советининг раиси Б. Кранси билан Совет раҳбарлари оғиб борган музокаралар тўғрисидаги ахборотни тинглади. Бунда савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқалар соҳасида икки томонлама Совет-Италия муносабатлари, шунингдек Европа ва жаҳон сиёсатининг энг муҳим проблемалари юзасидан сиёсий масалалар ҳисобланган ҳамда фикрлашувлар муваффақиятли ривожлантирилганлиги қайд этиб ўтди. Музокаралар халқаро аҳолига оид бир қанча муҳим масалалар юзасидан позициялардаги тафовутга қарамай, қуролланиш пойгасини тўхтатиш, айниқса, Европа ҳарбий қарама-қарши туриш даражасини пасайтириш, кескинлини юмшатиш, кескинлини юмшатиш, барча мамлакатларнинг суверенитети ва мустақиллигини қатъий ҳурмат қилган ҳолда тинч-товуш янаш принциплари асосида давлатлар ўртасидаги самарали ҳамкорлигини ривожлантириш каби ҳаётини муҳим проблемалар хусусида СССР билан Италиянинг бир фикрга келиш имконини таъминлаш, Сиёсий бюро Италия билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ва сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш муҳим эканлигини таъкидлади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида икки сесас ва халқаро ҳаётда оид бошқа баъзи масалалар ҳам кўриб чиқилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Кремлда, Катта Кремль саройининг Георгий залидида Г. Гусак билан самий саломлашди. Кремлда кутиб олиш маросимида Н. А. Тихонов, А. А. Громико, В. В. Кузнецов, К. В. Рукавов, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

(ТАСС)

СОЦИАЛИСТИК ҚУРИЛИШ ЙЎЛИДАН

МОСКВАДА ЧССРНИНГ ЮБИЛЕЙ МИЛЛИЙ
ВИСТАВКАСИ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛДИ

Қардош партия ва халқлар турмушидаги шонли саналарни биргаликда нишонлаш социалистик ҳам-дустлик мамлакатларининг яхши анъанаси бўлиб қолган. 31 май кунини Москвада, СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида «Чехословачия-1985» деган миллий виставка очилди. Бу виставга чехословач халқи миллий овозини қураши тугатилган ҳамда Совет Армияси томонидан мамлакатни фашист босқинчилардан озод қилинганлиги 40 йиллигига бағишланди.

Кўргазма ЧССРнинг Совет Иттифоқини билан, Ўзаро Иқтисодий Ердан Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатлар билан самарали ҳамкорлигини, чехословач халқининг Чехословачия Коммунистик партияси раҳбарчилигида яшаш муваффақиятларини таъсирлайди. У Социалистик иқтисодий интеграция комплекс программасини қамраб олувчи билан рўёбога чиқараётган социализм мамлакатлари қардошларининг буюқ кучини яққол намойиш этади.

Виставанинг тантанали очилишида қатнашиш учун ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак келди. Мамлакат бош виставкасининг энг катта павильони ўз-ра СССР ва ЧССР давлат байроқлари ҳилираб турибди. Бу ерда минглаб москваликлар ва пойтахт меҳмонлари тулланган.

Ҳозир бўлган кишилар Н. А. Тихонов, Г. Гусак, Н. А. Алиев, П. Н. Деми-чев, В. В. Кузнецов, К. В. Рукавов ўртоқларини қарсак билан қутиб олдилар. СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари А. К. Антонов, Г. И. Марчук, Н. В. Тализин, ЧССР ҳукумати раисининг ўринбосарлари Р. Рогичен, С. Пота-чев, СССР ва ЧССР бир қанча министрликлар ҳамда идораларининг раҳбарлари ҳам шу ерда эди.

Виставани очиб маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов ва ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак нутқ сўзлашди.

Бу галги виставкада, деди Н. А. Тихонов, чехословач халқининг Коммунистик партия раҳбарлигида яшаш тарихий ютуқлари, халқ ҳокимияти йилларида унинг турмушида рўй берган салмоқли ўзгаришлар акс эттирилган.

Совет—Чехословачия ҳамкорлиги юксак даражага етганлигини, жонли ва кўп қиррали характер касб этганлигини афр мамнуният билан қайд этиш мумкин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Чехословачия Коммунистик партиясининг марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принциплари тулланган.

(Давоми 2-бетда)



Пилла етиштириш ва давлатта топириш бўйича планини муҳдатидан олдин бакарганликлари учун қуйидагилар област «Хўжалик тахтаси»га ёзилдилар:

КАЛИНИН РАЙОНИ БЎЙИЧА

Қуйиёвчи номи қолхоз (раиси А. Абулқосимов, партия ташкилотининг секретари И. Пўлатов, касба союз ташкилотининг раиси Ш. Гисёнов, комсомол комитетининг секретари Ш. Шукурова, пиллачилик агротех-ники Х. Салимова ўртоқлар).

ЧИНОЗ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Қишлоқ номи қолхоз (раиси Х. Ахромов, партия ташкилотининг секретари А. Аюпов, касба союз ташкилотининг раиси Ш. Аҳмедов, комсомол комитетининг секретари Ш. Аҳмедов, пиллачилик агротехники Д. Очиров).


ПАРТИЯНИНГ КАДРЛАР СИЁСАТИГА БАҒИШЛАНДИ

Кеча Тошкент область партия комитети ҳузуридаги партия-хўжалик активни мактабда навбатдаги машғулот бўлди. Унда Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари С. М. Нестеренко «КПССнинг кадрлар сиёсати. Раҳбарнинг иқтисодий ва маданий қурилишдаги роли» деган мавзуда доклад қилди.

БУХОРО ОБЛАСТИ ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Бухоро областининг қишлоқ хўжалиқ меҳнатчилари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари тарихий қарорларини амалга ошира бориб, Коммунистик партиянинг XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, мўл пилла ҳосили етиштирилди, қисқа муҳдатларда пиллани териб олиб давлатга пилла сотиш юзасидан 1985 йилги ва умуман беш йиллик социалистик мажбуриятларини 30 май кунини муҳдатидан

СУВЧИЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ КУНЛАРИ



вагонлар тақдирди билан умуман қизикинмайди. Ваҳо-лаки, бу тақшилотлар ҳў-жалитимиз билан ўзаро ҳам қорликда иш қоритишса, ай-ни мўддоа бўлур ади. Бу ўринда абразив қомбинати-нинг ишини намуна қилиб қўрастиш мўкин. Улар на-гонларнинг беқор туриб қо-лиш ҳўларига чек қўйиш-ган, яъни бу ерда вагонлар тақшиқлиси иўбатта олнинг қелтирилган қўлар ўз вақ-тида тушириб олнмади. Ва-гонлар ортиб қўриблатди. Бўиундан ҳар иққала томон— ҳўжалик ҳам, қорхона ҳам маъфратдор бўлмади.

МЕДИЦИНА | МАДАНИЙ ҲАЁТ | ДАМ ОЛИШ | СПОРТ | ОЛАМДА НИМА ГАП?

КАСАЛЛИКНИ
«КАСМОН» АНИҚЛАЙДИ

Аҳолини медицина кўригидан ўтказиш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифалар қаторидан ўрин олди. Бу ишга ҳамма жойдаги каби Тошкент шаҳрида ҳам катта эътибор билан қаралмоқда. Диспансеризациялаш жуда мураккаб ишдир, катта миқёсдаги ишлар кўламлидан иборат бўлиб, у аниқ вақтнинг банд қилишдан ташқари кўпалар мутахассислар, цинфорларнинг биргаликдаги меҳнатини ҳам талаб этади. Шунинг учун бир неча йиллардан буён бу тадбирни энгиллатиш муаммосини ҳал этиш ҳақида тадқиқотлар олиб борилади.

Медицина техникаси ишни энгиллатириди. Аҳолини тиббиёт кўригидан ўтказишнинг комплекс автоматлашган системаси — «КАСМОН» жорий қилинди. Ҳозир мамлакатимизнинг бир қанча йирин шаҳарларида бу система муваффақиятли қўлланилмоқда. Аниқса, электрон ҳисоблаш машинаси иш услубига асосланган техника воситаси Латвияда ўз самарасини кўрсатди. Янгида бундай аппарат Тошкентнинг Қўйилқ массивидagi 2-поликленикада ўрнатилди. «КАСМОН»нинг афзаллиги ҳасда сузлаб беришни биз поликленика бош врач Пўлат Жонинбековдан илтимос қилдик.

— Аҳолини ҳар йили бир

марта медицина кўригидан ўтказиш бизнинг муҳим вазифамиздир. Шу мақсадда поликлиниканинг диагностика бўлимига асос солинди. Бўлим иш бошлаганига бир йилдан ошди. Дастлаб биз учун ҳам, аҳоли учун ҳам бироз қийин бўлди. Чунки, ҳар бир киши анамнести ҳамшира берган 30—40 саволга жавоб бериши лозим эди. Сўнгра бошқа ҳамширалар унинг томоғи, тишлари, юрак уриши, қон босими ва кўнинг қон босими, кўриш ва эшитиш қобилиятларини сынаб кўрадилар. Ҳамширалар назоратидан ўтиб бўлганлар хирург, стоматолог ва терапевт назоратидан ҳам ўтишлари, буларнинг барчасидан кейин флюорография кабинетига бориш, электрокардиограммалардан ўтиш ва охирида биохимлабораторияда анализ топиришлари керак эди. Буларнинг ҳаммаси учун бир кишининг қанча вақти кетишини тасаввур қилиш қийин эмас. Барча аҳолини назоратдан ўтказиш учун врачларнинг сарфлайдиган вақти-чи? «КАСМОН» худди мана шу вақтнинг икки баравар тежаб бера оладиган системадир. Бу — техник воситанинг жорий қилинганидан жуда хурсандимиз. Юқорида тилга олган кабинетларнинг ҳаммаси бир бўлимда қатор жойлар тирилиди. Энди кишилар вақтларини кетказиб флюорография, хирург, стоматолог, терапевтларга бормайдилар. Ҳамширалар саволларига жавоб бериб, юрак, босимларини текширтирадилар, анализ топириб бўлгач аппарат ёнига борадилар. Саволлар номерланган бўлади. Ўзингизни ташвишга солаётган савол номерини белгиласиз. Аппаратни бошқарувчи ҳамшира сиз белгиланган саволни аппаратга солди. Аппарат дарҳол сиз қайси врачга учрашингизга лозимлигини қайт қилади. Жавоб аппарат телеэкранда кўриниши билан бирга бир вақтнинг ўзида оқ қоғозда ҳам ўз нфодасини топади. Агар соғлом бўлсангиз сиз бемалол уйга кетаверасиз. Аппаратнинг яна бир афзаллиги шундаки, узок йиллар давомида ҳеч қандай аломат пайдо қилмайдиган баъзи бир касалликлар белгисини ҳам аниқлай олади.

Диспансеризациялаш участка врачлари учун қатор мураккабликлар туғдириди. Бу тадбиргача кунига 60 кишини қабул қилган врачга 220 кишини бир йўла қабул қилишга тўғри келди. Ана шу кишиларни аппарат қабул қилса, шифокорнинг иши анча осонлашади. Бундай аппарат ҳозирча шаҳримиздаги иккита поликлиникада мавжуд. Келажакда яна қатор медицина муассасалари ана шу техникага воситаси билан жиҳозланиши кўзда тутилмоқда. Унинг аҳоли саломатлигини сақлаш йўлидаги аҳамияти жуда каттадир.

М. ШАРИПОВА.

Суратда: ҳамшира-оператор М. Загидуллона аппарат ёрдамида беморни назоратдан ўтказмоқда.

А. Зуфаров фотоси.



ТУРИЗМ

45 ХИЛ ЭКСКУРСИЯ

Кейинги вақтларда меҳнатқиллар бир кундан уч кунгача давом этадиган саёҳатларга боришга кўпроқ ихтиёр қилмоқдалар. Масалан, пойтахтимиздан Москва, Киев, Олмаота, Фрунзе, Тоилиси, Боку, Волгоградга уюштирилаётган ана шундай саёҳатлар мухлислари кўпаймоқда.

Тошкент шаҳри ва облас ти меҳнатқиллари «Дилором» поездида қадимий Самарқанд ва Бухоронинг та

рихий ёдгорликларини кўриб катта таассурот олмақдалар. Автобусда Фаргона, Қўқон, Чимкент, Жамбул, Ўзатеп ва бошқа жойларни томоша қилиб қайтишгач.

Жонажон шаҳримиз бўйлаб экскурсия ҳам яхши кайфият бағишлайди мумкин. «Тошкентнинг ўрта аср архитектураси», «Тошкентнинг ўрта аср архитектура-си», метрополитен ҳақида «Халқлар дўстлиги бунёд этган магистрал», «Мафтунокор


БУГУН — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

БОЛАЛАР — КЕЛАЖАКИМИЗ

ХАЛҚАРО демократик хотин-қизлар федерациясининг ташаббуси билан ҳар йили байрам қилинадиган болаларни ҳимоя қилиш кунини бутун Ер юзидagi ҳолис киятли кишиларнинг куч-ғайратларини ёш авлод сийҳат-саломатлигини сақлаш, болаларни тарбиялаш ва ўқитишни яхшилаш учун курашишга сафарбар этиш шiori остида нишонланади.

Областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида ҳам йилдан-йилга болалар сийҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга таълим-тарбия бериш учун яхши ва болалар боғчаларида, мактаблар ва дам олиш—соғломлаштириш муассасаларида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда.

А. Зуфаров ва Т. Лутфуллаевлар ҳам ушбу фотозўяларнинг «Бахтли болалик» деб аташган.



ишни ривонклантириб бо

Чет эл
ХАБАРЛАРИ

● БЕЛГРАД. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. Умаров бошчилигидаги шаҳар партия комитетининг делегациясини Югославия дёбрида самимий ва ҳушудлик билан кутиб олмақдалар. Делегация Скопие Коммунистлар союзи шаҳар комитетининг тақдирини биноан Македония Социалистик Республикасига келган.

Республика Коммунистлар союзи Марказий Комитетининг Раиси М. Панчевский делегацияни қабул қилди. Бўйиб ўтган дўстона суҳбат «биродарлашган шаҳарлар» — Скопие билан Тошкент партия ташкилотлари ҳамда бошқа жамоат ва сийсий ташкилотлар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга тааллуқли бўлди.

Ўзбекистон пойтахтининг партия делегацияси Македония мажлиси икroнра вечесининг раиси Р. Ставрев билан ҳам учрашди.

Делегация Скопиедаги бир қанча саноат корхоналарини бориб кўрди. Кирилл ва Мефодий номидаги университетда бўлди.

● ХАНОЙ. Совет — Вьетнам иттифодий ҳамкорлигининг энг йирик объектларидан бири — Фалай иссиқлик электр станциясининг монтажчилари ва ишлатувчилари меҳнатда янги ғалабага эришдилар. Бу ерда станция учинчи энергетика блокининг бут қозонини сынаб кўриш туғалланди. Уни монтаж қилиш графикада белгилангандан анча илдам олиб боришмоқда.

● ПАРИЖ. Европа социалистик партиялари Американинг «самовий урушлар» лойиҳасини рад этдилар. Бу лойиҳа шу ерда бўлиб ўтган кенгашида муҳокама қилинди. Кенгашида Франция, ГФР, Италия, Испания, Австрия, Португалия, Бельгия, Люксембург, Голландия, Греция ва Швейцариянинг социалистик партияларининг вакиллари қатнашдилар.

● ДАККА. Бангладешнинг катта вайронгарчилик келтирувчи циклон ўтган соҳил районларида кўтқариш ишлари қизиган давом этимоқда. «Ҳозирги вақтда бизнинг энг биринчи вазифамиз омон қолган кишиларнинг ҳаммасини кўтқаришдан иборат», — деди майдони 50 квадрат километрли Уричар оролида кўтқарув ишлари раҳбарлиги қилаётган Шамсул Исом журналистларга. Табиий офатдан сўнг оролдаги 10 минг аҳолидан фақат мингта яқини қолган. Гувоҳларнинг сўзларига қараганда, олдин яшнаб турган оролни улкан тулқин саҳрога айлантириб юборган.

● ЛУАНДА. Ангола халқ озолиқ курали қучлари АҚШнинг МРБ ва ирқчи ЖАР махсус маҳкамалари бoримида бўлган УНИТА террорчилар гуруҳи шайкаларига қарши муваффақиятли операцияларни давом эттирмоқдалар. Кейинги ўн кун ичида шимолий Кванза вилоятида 20 дан кўп қалла-қосар яқсон қилинди. Жанубий Африкада ва Фарб мамлакатларида ишлаб чиқарилган қўлаб қуро-роғ, ўқдор ва ҳарбий аслаҳа-анжом қўлга туширилди.

Халқ мулофаси ташкилотининг бўлиналари ва халқ сержалик бригадалари кўгирчоқ гуруҳ шайкаларини тор-мор қилишда фаол қатнашмоқдалар.

(ТАСС).

БАДИЙ ҲАВАСКОРЛИК КОЛЛЕКТИВЛАРИДА
АНСАМБАГА ДИПЛОМ

АНГРЕН шаҳрида бадий ҳаваскорлик коллективлари иккитини ривонклантиришга катта аҳамият бериб келинмоқда. Шаҳарда 2-маданият уйи қосида бир неча йиллардан буён ҳарбий-ватанпарварлик халқ университетини ишлаб турибди. У 1977 йилда ташкил қилинган эди. Бу университет фаолиятига маданият уйи директори С. Прокофьев раҳбарлик қилмоқда. Халқ университети шаҳар ҳарбий комиссариати ва уруш ветеранлари шаҳар Совети билан ўзаро ҳамкорликда кўпгина тадбирларни амалга оширмоқда.

Ҳарбий ватанпарварлик мавзусида ўтказилган республика кўрик-конкурсига халқ университети қосидаги «Патриот» халқ чоғу ансамбли қатнашчилари — иккинчи ўринни эгалладилар ва II даражали диплом билан таъдирландилар.

Шунингдек, «Патриот» ансамблининг ҳаваскор санъаткорлари совет халқи Улуғ Ватан урушида қосонган шовли Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб шаҳардаги ишлаб чиқариш корхоналари, маданият ва истироҳат боғларида ўзларининг ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги янги концерт программаларини намойиш қилдилар.

Театр



САХАЛИНЛИКЛАР — МЕҲМОНИМИЗ

ЭРТАГА пойтахтимиздаги М. Горький номи театр биносига А. П. Чехов номидаги Сахалин область драматик театрининг гастроллари бошланади. Бу мазкур театр коллективининг Тошкентта биринчи иккити сафаридир. Меҳмонлар бир ой давомидида ўз репертуарларидаги энг яхши сахна асарларини намойиш этадилар.

Сахалинлик санъат усталари бу иккити сафарга пухта тайёргарлик кўриб, Тошкентга турли мавзу ва жанрлардаги 16 та спектакль олиб келишди. Бу сахна асарлари орасида М. Горькийнинг «Васса Железнова», А. Островскийнинг «Чиройли эркак», В. Шукшиннинг «Улар тонгда уйғондилар» комедиялари, А. Арбузовнинг «Шаҳар чеккасидаги уйча» мелодрама-си, А. Тоболениннинг «Ташриф» драмаси, инглиз драматурги М. Мейо ва М. Энгелениннинг «Менинг хотиним — ёлгончи», Г. Рьякиннинг «Мавсум моделлари» комедиялари, А. Дударевнинг «Оқшом» ва «Остона» драмалари, В. Лешаповнинг «Калит», Н. Семеновнинг «Ғилдирак устидаги печка» комедияси бор. Бундан ташқари меҳмонлар репертуарида болаларга мўлажалланган спектакллар ҳам борлиги алоҳида эътиборга сазовордир. Булар — С. Михалковнинг «Магнатчоқ куён», Г. Сагир ва С. Прокофьевнинг «Этик кийган мушук», М. Машадуниги «Пийнинг ўғирлигини», Г. Соколованиги «Малика қурбақа» эртак-спектакллари.

Сахалин область драматик театрининг гастроль томошалари санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотди, деган умидламиз.

Р. ҒАНИЕВ.

Суратларда: драматург Г. Рьякиннинг «Мавсум моделлари» (юқорида) ва М. Мейо, М. Энгелениннинг «Менинг хотиним — ёлгончи» комедияларидан айрим сахналар.

С. Маҳмамов фотолари.



СОҲИБКОРЛАР, СИЗЛАР УЧУН
ПРОБИРКАДАГИ ТОҚ НИҲОЛЛАРИ

Ўзбекистон селекционерлари «Магарач» Бутуниттифоқ узумчилик-виночилик институтидан галати послика олишди. Бу институт узумини қўлайтиришнинг лиги усулини ихтиро қилган. Послика ичида озуқа муҳити вужудга келтирилган пробиркалар бўлиб, унга тоқтўқима парчалари жойлаштирилган эди. Ўттиз кундан кейин туқима ялдиэ отади ва барг чиқаради. Ниҳолчанинг бўйи 10 сантиметрга етгач, тупроққа кўчириб ўтказилади. Бу тоқ иккинчи — учинчи йиллик ҳосил бера бошлайди.

Тоқ кўчатларини қўлайтиришнинг лиги усули энг яхши тоқ навларини етиштиришни жадаллаштиришга имкон беради.

«Наримончи»	10	10—9	7	икки команда ҳисобида тадан очко бор.	16
«Олой»	9	10—15	5	Шарий зонадаги бошқарушларда қўйидаги натижалар қайд этилди: «Кузбасс» — «Локомотив»	
«Геолог»	10	8—20	5	О.Н. ИСҚА «Замбия С	
«Олга»	9	7—12	4		
«Хўжанд»	9	5—16	4		

И. ЗОКИРОВ, Ўзбекистон ССР спорт комитети футбол бўлимининг катта инструктори.

«ПАХТАКОР»
ЯНА ЮТҚАЗДИ

Мамлакат чемпионати биринчи лигаси коллективлари навбатдаги тур ўйинларини ўтказдилар. «Пахтакор» Душанба шаҳрида «Помир» меҳмони бўлди. Бу гал ҳам Тошкентiston футболчилари ғалабага эришдилар. Майдон эгаларининг 2 та тўпига тошкентлик Г. Денисов ўн бир метрлик жарима тўпидан битта жавоб қайтарди холос.

Зона пешқадами «Шинник» Хабаровск шаҳрида маҳаллий армиячилар меҳмони бўлиб, 1:5 ҳисобида мағлубиятга учради. Натияжада «Помир» «Шинник»ка тенглашиб олди. Ҳозирда бу

Команда	Ў	Т	О
«Соҳибкор»	10	17	5
«Нефтяник»	11	24	6
«Динамо»	10	13	7
«Зарафшон»	10	13	9
«Целинник»	10	12	13
«Автомобилист»	11	7	6
«Хоразми»	10	8	7
«Сурхон»	10	13	9
«Шахрихончи»	9	14	13
«Хива»	9	10	9
«Косонсойчи»	9	11	9
«Янгир»	10	6	13

МУТАХАССИСЛАР
ЭЪТИБОРИНИ ҚОЗОНДИ

Париж яқинидаги унча катта бўлмаган Корбей-Эсон шаҳрида бадий гимнастика бўйича йирик халқаро турнир бўлиб ўтди. Бунда 31 мамлакатдан келган 84 спортчи иштирок этди. Қўлқурашда болгариялик В. Панова ғолиб келди. Совет спортчиси М. Лобач учинчи бўлди. Тошкентлик Марина Николаева кучли олтиликдан ўрин олиб, мухлислар ва мутахассислар эътиборини қозонди.

Суратда: «Соҳибкор»нинг «Олой» билан учрашуви вақти. А. Мальцев фотоси.

«СОҲИБКОР»
ПЕШҚАДАМ

Турнир жадвали охириги пoғонасини эгаллаб турган Фрунзенинг «Олга» коллективининг чемпионатда муваффақиятсиз қатнашётганлигини кутимлаган воқеалардан бири деса бўлади. Бу алобатта, Қирғизистон пойтахти командасига бир йўла жуда кўп ёшлар қабул қилингани билан ҳам боғлиқ.

Мавсум бошида Самарқанд динамочилари ҳам мухлисларини анча ранжитдилар. Қатор мағлубиятлар уларни учинчи ўриндан юқорига силжитмай қўйди. Навоийнинг «Зарафшон», Тўртқўлнинг «Целинник» ва ўтган йилги Ўзбекистон чемпионати ғолиби Хонқанин «Хоразм» коллективларининг ишончли, дадил ўйинларини алоҳида таъкидлаш керак.

Кўп йиллардан бери 7-олада икки кучли коллектив — Самарқанднинг «Динамо», Фарғонанинг «Нефтяник» командалари ўртасида қаттиқ баҳс кетарди. Энди уларнинг пойгасига Халқободнинг «Соҳибкор» командаси қўшилиб қолганини кўпчилики қувонтирмоқда. Фахрли ўрин учун давogarлик қилаётган, мутахассислар шав-шувага сабаб бўлаётган соҳибкорлар ўтган йили тўртинчи ўринга кўтаришган эдилар. Лекин ҳеч қачон оёна мусобақаларида энг юқори ўрин учун курашмагандилар.

Ҳозир халқободликлар фарғоналиклардан ҳам ўзиб турнир жадвалини бошқариб боришляпти. «Соҳибкор» ҳисобидagi очко «Нефтяник»никидан битта кўп. Лекин соҳибкорчилар ўз рақибларидан маълум устунликка ҳам эгалар. Пойтахт облас ти вакиллари «Нефтяник»дан бир матчни кам ўтказишган.

Бу мавсумда халқободликлар командасида сезиларли ўзгаришлар юз берди. «Соҳибкор»нинг янги устози, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер Евгений Борисович Валицкий жанговар, ҳужумкор командалар ташкил этишга муваффақ бўлди. Тақрибкор ўйинчиларнинг етук маҳорати, ёш футболчиларнинг ғайрати, ҳаракатчанлиги билан уйғунлаштириб юборилмоқда.

«Соҳибкор» дарвозасини тақрибали В. Филатов ҳимоя қилмоқда. Команданинг ҳимоси мустаҳкам бўлиб, бу зевнода тақрибали А. Дмитриев, В. Кузьмин, Н. Нортков, А. Сейтметов, пахтакорчилар матбурининг тарбияланувчиси ёш Р.ўзинев ўйнамоқдалар. Команданинг ярим ҳимоси изланувчан, қаққон спортчилардан иборат. Улар ҳужумда доимо актив кўмакчилардир. Бу ерда ҳам тақрибкорлар ва ёшлар ғайрати омухта қилинган. Майдон ўртасида Т. Шоймардонов, О. Синелов, Б. Баканов, Э. Сейтметов, В. Обедзинский, С. Бабичев, Д. Григорян ўйнамоқдалар. В. Глушко, С. Бауэр, К. Мамаинов, К. Иброҳимовлар ҳужумда уюшган ҳолда ҳаракат қилишляпти.

Халқободликлар эришилган ютуқлар билан чегараланиб қолмасликларни, барча матчларга жиддий тайёргарлик кўриб боришлари зарур. Чунки бундан буён пешқадамга қарши ҳар бир команда кўтарини руҳ билан ўйнайди, нималарга қодир эканлигини яна бир бор исботлашга уринади. Ҳар қалай, «Соҳибкор»нинг мухлислари командаларининг олдинга қўйилган мураккаб вазифаларини тўғри ҳал этиб, соврин эгаси бўлишларига умидворлар.



Суратда: «Соҳибкор»нинг «Олой» билан учрашуви вақти. А. Мальцев фотоси.